ЁШЛАРДАГИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ

Сайёра Абдувалиева
Чирчиқ давлат педагогика институти

Баходир Комилов
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги глобаллашув даврида ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган оммавий маданият ва унинг оқибатлари бўйича фикр билдирилган. “Оммавий маданият” ниқоби остидаги мураккаб мафкуравий жараёнларни чуқур илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: глобаллашув, оммавий маданият, эркинлик ва демократия, комил инсон, жисмоний маданият, мафкуравий хуружлар, миллий ўзлик.

PRIMARY ISSUES IN PREVENTING SPIRITUAL THREATS IN YOUNG PEOPLE

Sayyora Abduvalieva
Chirchik State Pedagogical Institute

Bahodir Komilov
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article discusses popular culture and its consequences, which have a negative impact on the spirituality of young people in today's era of globalization. In-depth scientific and practical analysis of complex ideological processes under the guise of "popular culture".

Keywords: globalization, mass culture, freedom and democracy, perfect man, physical culture, ideological attacks, national identity.

КИРИШ

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалардан бири ёшларни юксак маънавиятли баркамол инсон қилиб вояга етказишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай давлатнинг пойдевори мустаҳкамлиги, баркамоллиги, келажаги шу юртда вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама маънавий аҳлокий жиҳатдан камол топишига ҳам бевосита боғлиқ. Глобаллашув жараёнларининг кундалик ҳаётимизга тез суръатлар билан ҳамма соҳаларга кириб келиши ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир кўрсатишнинг ўткир қуролига айланиб бормоқда. Бу эса Ғарбдаги ҳар хил сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қилиб “оммавий маданият” ва “эркинлик ва демократия” деган ниқоблар остида аҳлоқий беҳаёлик, индивидуолизм ғояларини тарқатишни мақсад қилиб бошка халқларнинг, шу

жумладан ўзбек халқининг ҳам кўп минг йиллик маънавий, маданий қадриятларига беписандик қилиб ундан воз кечишга ундамокда. Бундай ёвуз мақсадлар “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга оширилмокда. Бу каби ҳаракатлар халқимизнинг муқаддас маънавий фазилатлари бўлган ибо ва ҳаё, оила муқаддаслиги каби қадриятларимизга салбий таъсир қилиши шубҳасиздир. Ҳақиқатдан ҳам “оммавий маданият” деб аталмиш ғоялар турли йўллар билан мамлакатимизга, турли воситалар, шу жумладан, кинолар, турли беҳаёликни акс этирувчи филъмлар, китоблар, телефонларга ёзиб бериш орқали ёшларимиз онгига таъсир қилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июнда қабул қилинган 3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур масаланинг мантиқий оқибатидир.

МУҲОКАМА

Бизнинг аждодларимиз қадимдан комил инсон хақидаги шарқона аҳлоқий мезонларни ва комил шахснинг маънавий қирраларини ишлаб чиқиб халқимиз онгу-тафаккурида асрлар давомида сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарм-ҳаё, ибо-иффат, камтарлик, катта-кичикларга ҳурмат каби юксак маънавий хислатларга ҳаётимизда амал қилиб келинмокда. Бундай халқимизга мос эзгу ва гўзал фазилатлар муқаддас маънавий қадриятларимизнинг асл мазмунини ва моҳиятини ташкил этади. Бу каби халқимизнинг гўзал миллий фазилатларимиз ўрнини ғарбона беҳаё, беибо аҳлоқий урф - одатлар эгаллашига асло йўл қўйиб бўлмайди. Глобаллашув тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи президент Ислом Каримов бунга қуйидагича фикрини билдириб ўтган: “Глобаллашув бу аввало ҳаёт суръатининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”.

Глобаллашувнинг ёшлар тарбиясига ўтказаётган салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлмокда:

Биринчидан, информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши. Бу воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп ҳолларда ёшларимизни ўзимизнинг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб қўймоқда, ўз тарихий илдизларидан узоқлашувига олиб келмоқда.

Иккинчидан, “оммавий маданият” турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши. Булар асосан кийинишда, қизиқишларда, бўш вақтни ўтказишда, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Ёт маданий қадриятларини ўзида ифода этаётган “оммавий маданият” ёшларимизда ғарбона индивидуализм, эготсентризм, андишасизлик, беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда.

Учинчидан, ёшлар орасида тақлидчилик, ғарбона идеалларга кўр-кўрона эргашиш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини чулғаб олаётганлигини сезиш қийин эмас. Оқибатда, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинлари олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда хаёт суръатларининг қайси соҳасида бўлмасин, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, оммавий ахборот соҳаси бўладими барчасининг тезлашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. “Оммавий маданият” ниқоби остидаги мураккаб мафкуравий жараёнларни чуқур илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, миллий маънавиятимиз, маданиятмиз ва манфаатларимизга зид бўлган зарарли урф-одат ва мафкуравий хуружларнинг асл мақсади ва моҳиятини очиб бериш асосида, ёшларни ўзининг мустақил фикрига эга, иродали фидоий ўзбек халқига хос миллий ғурурли, ватанпарвар, ғоявий чиниққан инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бундай вазифани бажаришга эришиш учун ҳамиша хушёр ва жонкуярлик ҳамда ақл- идрок билан маънавий тарбиявий ишларни тинимсз олиб бориш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишини унутмаслигимиз лозим. Мамлакатимизда ёшлар аҳолининг энг кўп қисмини ташкил этиб келмокда. Маънавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни каттадир. Чунки жисмоний тарбия ва спорт халкнинг саломатлигини тиклаш билан бирга уни дунёга танитишда катта роль ўйнайди. Жисмоний тарбия ва спорт орқали халқаро муносабатларда Ватанимиз

дунёга танилиши билан бирга ёшларда ўз ватандошларига нисбатан юксак ҳурмат туйғуси шаклланиб боради, ҳамда дунё халқлари томонидан давлатимиз ва халқимиз тан олинади.

Маълумки, бирон бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат килади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Ватанимиз озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк шахсларнинг ўтмиши, уларнинг қарашлари ўрганилмокда. Бундай шахслар қиёфасида ёшларимиз халқимизнинг ўзлигини билишга чақирилмокда. Зеро Жалолидин Мангуберди, Тўмарис шахсларини идрок этиш-тарихни идрок этиш демакдир.

Жалолидин Мангубердини англаш-ўзлигимизни англаш демакдир. Жалолидин Мангубердини улуғлаш – тарих каърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Умуман олганда жисмоний тарбия ва спорт бошқа омиллар қаторида инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Биз демократик жамиятни аждодлар мероси, миллий қадриятлар асосида, ўзимизнинг турмиш тарзимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда барпо этишга ҳаракат қилиб келмокдамиз. Ана шу ҳаракатлар негизида соғлом инсон турибди. Соғлом инсонни шакллантириш жисмоний тарбия ва спорт орқали бутун бир жамиятнинг вазифаси бўлмоғи керак, ҳар бир инсон жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни доимий одат даражасига қўйиши билан бирга, қадрият сифатида эъзозлаши жамиятнинг узлуксиз равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишга олиб келади.

НАТИЖАЛАР

Жамиятда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни олиб бориш билан бирга бугунги глобаллашув шароитида ёш авлодда мустақил онгни шакллантириш мақсадида қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга татбиқ этишда сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшлар қизиқишлари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчиддан, ёшларнинг иннавацион фаолиятини бойитиш, уларнинг хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, билими, ҳарактини ҳисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонлама оширниш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;

Учинчидан, ёшларда мустақил фикрлашни шакллантиришда санъат ва маданият соҳасидаги қизиқишларини юксалтириш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

Тўртинчидан, ахборот алмашиниши, алоқа, ёш авлодни ривожлантириш ва тарбиялаш учун ахборот муҳитини хатарсиз, қулай тарзда кенгайтириш.

ХУЛОСА

Мазкур мавзуни тадқиқ этишнинг долзарблиги кундалик ҳаётда фаоллашиб бораётган маданий-мафкуравий таҳдидларнинг энг ҳавфли шакли бўлган оммавий маданиятга қарши курашда мустаҳкам негизни ташкил этувчи ҳаётий мақсадни тарбиялаш услубларини яратиш билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида ислоҳотлар муваффақиятини белгиловчи шахс ва унинг ҳаётий мақсадини илмий-назарий асослаш ва бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, шахс маънавий камолотида ва ижтимоий фаоллик жараёнида ҳаётий мақсадни шакллантиришнинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатларини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

REFERENCES

1. Jumagul Namozovna Abdurakhmanova, Shoira Berdiyarovna Jumaeva, & Ulugbek Kuchkarovich Ismailov. (2020). The Importance of Shrines in The Spiritual Life and Mentality of Uzbek People. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(09), 2389-2398.
2. Жумаева Ш.Б Глобаллашув шароитида ёшлар тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари // "Science and Education" Scientific Journal August 2020 / Volume 1 Special Issue, p.p.45-53
3. Абдурахманова, Ж.Н., Тоштемирова, С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. *Science and Education*, 1(Issue 7), 436-442.
4. Toshev S. (2020). TARIX FANINI O'QITISHNDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. Science and Education, 1(Special Issue), 6
5. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.

6. Mardonov, S., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8104-8111.
7. Тошев, Солежон Аҳматжонович.(2020). Ўзбекистон совет мустамлакачилик даври тарихининг Туркияда ўрганилиши. Ўтмишга назар.2(2-махсус сон). 347-353
8. Тошев, Солежон Аҳматжонович. (2020). ТУРКИЯДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. Science and Education, 1(7), 625-631
9. Gaffarov, Y. (2019). Technical approach in the education system. International Journal on Integrated Education, 2(6), 40-41. Retrieved from http://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/195
10. Тоштемирова С.А. (2019). Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти // “Ёшлар маънавий-ахлоқий онгини ривожлантиришнинг устувор масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Жиззах, 351-354.
11. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
12. Тоштемирова С (2020). “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба-синов майдончаларида “иқтидор” лойиҳасини шакллаштириш механизмлари. Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў. (Issue 1) –Б. 46-52.
13. Toshev, Solejon Ahmadjonovich.(2020). Туркияда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон совет даври тарихи бўйича тадқиқот олиб борган ташкилотлар тарихидан. International European Conference Science, Research.1.76-79
14. Тоштемирова С.А. (2020). Педагогик таълим инновацион кластерида “Ташаббускор талабалар” гуруҳи фаолиятининг аҳамияти // “Ўзбекистонда илм-фан ва таълим” конференция тўплами. Қўқон. Volume 2, Issue 6. –Б. 38-42.
15. Джураев Х. А. Ходжамкулов У. Н.,Абдиримова И. К. (2020). Значимость воспитания молодежи в военнопатриотическом духе в условиях глобализации (на примере республики Узбекистан). “и помнит мир спасенный”: система образования, как залог победы советского народа в великой отечественной войне. –С. 539.
16. Ҳ. Жўраев (2019). Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий театр ва кино саъати (1920 - 1924йй). ҚарДУ хабарлари. 1-сон, 48-б.
17. Mukimov Bakhriddin Bakhodir Qandov, Hamza Juraev, Rustam Oymatov, Mukhtorov Uzbekkhon (2020). Creation of a New System of Education and Education in the Bukhara People's Republic. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 24 (1). –P. 496-501.